



ISSN: 2181-9416

# YURIST AXBOROTNOMASI

ВЕСТИНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

HUQUQIY, IJTIMOIIY, ILMIY-AMALIY JURNAL



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ  
БИБЛИОТЕКА  
**e** LIBRARY.RU

**НАЗАРОВ Шавкат Назарович**Тошкент давлат юридик университети кафедра мудирини,  
юридик фанлар номзоди, доцент  
E-mail: [sh.nazarov@tsul.uz](mailto:sh.nazarov@tsul.uz)

## ЎЗБЕКИСТОНДА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИ: ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** Назаров Ш.Н. Ўзбекистонда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси: замонавий ёндашувлар ва ривожлантириш йўллари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2025) Б. 8–16.

 4 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2025-2-15>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича жамоатчилик экспертизаси механизмларини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари тизимли равишда кўриб чиқилган. Тадқиқотда АҚШнинг “Notice and Comment” тизими, Европа Иттифоқининг иштирокчи мулоқот модели, Жанубий Кореянинг “E-People” портали ва Япониянинг тартибга солишни олдиндан баҳолаш механизми каби илғор халқаро тажрибалар чуқур таҳлил қилинган. Ўзбекистондаги “Regulation.gov.uz” порталининг ҳозирги фаолияти, унинг имкониятлари ва чекловлари кўрсатилиб, такомиллаштириш йўллари белгиланган. Жамоатчилик экспертизасининг назарий-методологик асослари, халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликдаги бўшлиқлар комплекс равишда ўрганилган. Муаллиф жамоатчилик экспертизаси самарадорлигини ошириш учун концептуал модел яратиш, қонунчилик базасини такомиллаштириш, электрон платформаларни ривожлантириш бўйича илмий асосланган аниқ таклифлар берган. Тадқиқот натижасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатини назорат қилишнинг самарали механизмлари ишлаб чиқилган ва фуқаролик жамияти институтларининг қонун ижодкорлигидаги фаол иштирокини таъминлаш йўллари аниқлаштирилган. Илмий тадқиқот жамоатчилик назоратини кучайтириш ва демократик бошқарув тамойилларини амалга ошириш соҳасига муҳим ҳисса қўшади.

**Калит сўзлар:** жамоатчилик экспертизаси, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонун ижодкорлиги, жамоатчилик назорати, фуқаролик жамияти, халқаро тажриба, ҳуқуқий тартибга солиш, жамоатчилик иштироки, электрон платформа, қонунчиликни такомиллаштириш.

**НАЗАРОВ Шавкат Назарович**Заведующий кафедрой Ташкентского государственного  
юридического университета,  
кандидат юридических наук, доцент  
E-mail: [sh.nazarov@tsul.uz](mailto:sh.nazarov@tsul.uz)

## ОБЩЕСТВЕННАЯ ЭКСПЕРТИЗА ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ В УЗБЕКИСТАНЕ: СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ И ПУТИ РАЗВИТИЯ

### АННОТАЦИЯ

В статье системно рассматриваются актуальные вопросы совершенствования механизмов общественной экспертизы проектов нормативно-правовых актов в Узбекистане. В исследовании глубоко проанализирован передовой международный опыт, включая американскую систему «Notice and Comment», модель партисипативного взаимодействия Европейского союза, портал «E-People» Южной Кореи и механизм предварительной оценки регулирования Японии. Показана текущая деятельность

портала «Regulation.gov.uz», его возможности и ограничения, определены пути совершенствования. Комплексно изучены теоретико-методологические основы общественной экспертизы, международные стандарты и пробелы в национальном законодательстве. Автор предложил научно обоснованные конкретные рекомендации по созданию концептуальной модели повышения эффективности общественной экспертизы, совершенствованию законодательной базы и развитию электронных платформ. В результате исследования разработаны эффективные механизмы контроля качества нормативно-правовых актов и определены пути обеспечения активного участия институтов гражданского общества в законотворческом процессе. Научное исследование вносит значительный вклад в укрепление общественного контроля и реализацию принципов демократического управления, предлагая практические решения для повышения прозрачности и подотчетности государственных органов власти.

**Ключевые слова:** общественная экспертиза, нормативно-правовые акты, законотворчество, общественный контроль, гражданское общество, международный опыт, правовое регулирование, общественное участие, электронная платформа, совершенствование законодательства

**SHAVKAT Nazarov**

Head of Department, Tashkent State University of Law, PhD in Law,

Associate Professor

E-mail: [sh.nazarov@tsul.uz](mailto:sh.nazarov@tsul.uz)

## PUBLIC EXPERTISE OF DRAFT NORMATIVE-LEGAL DOCUMENTS IN UZBEKISTAN: MODERN APPROACHES AND DEVELOPMENT PATHWAYS

### ANNOTATION

The article systematically examines pressing issues of improving mechanisms for public expertise of draft legal acts in Uzbekistan. The research provides in-depth analysis of advanced international practices, including the American “Notice and Comment” system, the European Union’s participatory engagement model, South Korea’s “E-People” portal, and Japan’s regulatory impact assessment mechanism. The current activities of the “Regulation.gov.uz” portal, its capabilities and limitations are demonstrated, with improvement pathways identified. Theoretical and methodological foundations of public expertise, international standards, and gaps in national legislation are comprehensively studied. The author proposed scientifically grounded specific recommendations for creating a conceptual model to enhance public expertise effectiveness, improving the legislative framework, and developing electronic platforms. The research results include development of effective mechanisms for controlling the quality of legal acts and identification of ways to ensure active participation of civil society institutions in the legislative process. The scientific study makes a significant contribution to strengthening public oversight and implementing democratic governance principles by offering practical solutions for enhancing transparency and accountability of government authorities. The research provides comprehensive theoretical framework and practical guidelines for establishing robust public participation mechanisms in regulatory processes, ultimately contributing to better governance and stronger rule of law in Uzbekistan through enhanced citizen engagement and institutional reforms.

**Keywords:** public expertise, legal acts, lawmaking, public control, civil society, international experience, legal regulation, public participation, electronic platform, legislation improvement.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) томонидан 2021 йилда эълон қилинган “Қонун ижодкорлигида жамоатчилик иштироки” номли ҳисоботда қайд этилишича, “норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда жамоатчиликнинг фаол иштироки қонунларнинг ижро этилишини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади” [1]. Бундан ташқари, Европа Кенгашининг Венеция комиссияси ҳам қонунчиликни такомиллаштиришда жамоатчилик экспертизасининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, уни “қонунчилик жараёнининг сифатини таъминлашнинг зарурий шarti” деб баҳолайди [2].

Жамоатчилик экспертизаси – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қарорларининг аҳоли манфаатларига мослигини таъминлашнинг самарали механизми бўлиб, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларнинг муваффақиятини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда сўнги йилларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш амалиёти фаол жорий этилмоқда. Бироқ жамоатчилик экспертизаси борасидаги қонунчилик ва амалиёт ҳали етарли даражада ривожланмаган. “Regulation.gov.uz” порталида 2024 йилда 25 мингдан дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари жамоатчилик муҳокамасига қўйилган бўлса-да, уларнинг атиги 25 фоизи юзасидан фуқаролар ва ташкилотлардан таклифлар келиб тушган [3].

Лекин, ушбу платформада жамоатчилик экспертизаси бўйича фуқаролар коррупцияга қарши ва гендер экспертизасини ўтказиш имконияти яратилган бўлсада (сўровнома шаклида), лекин у ҳақида деряли фуқароларимиз беҳабар ёки ундан самарали фойдаланиш механизмлари яратилмаган. Ушбу соҳада фуқаролик жамияти институтларининг салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Халқаро амалиётда жамоатчилик экспертизасининг турли моделлари мавжуд бўлиб, улар орасида Эстония, Жанубий Корея ва Канада тажрибаси алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, Эстониянинг “Osale.ee” платформаси фуқароларга қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш, таклифлар киритиш ва жамоатчилик экспертизаси ўтказиш имконини беради [4]. Жанубий Кореянинг “E-People” портали эса фуқаролар таклифларини рейтинг тизими орқали баҳолаш механизмининг жорий этган бўлиб, бу энг сифатли экспертиза хулосаларини аниқлаш имконини беради [5].

Жамоатчилик экспертизаси аҳамияти ҳақида фикр билдирар экан, А.В. Корепина “Замонавий шароитда экспертиза жамият ҳаётининг нормасига айланиб, нуфузли фаолият шаклига айланмоқда. Экспертиза асосий қарорлар қабул қилиш воситаси сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда” [6, Б.147-154]. А.В. Корепинанинг экспертиза “жамият ҳаётининг нормасига айланиб” бораётгани ҳақидаги фикри замонавий демократик жамиятларнинг ривожланиш тенденциясини акс эттирса-да, бу жараённинг ижобий ва салбий томонларини ҳам эътиборга олиш лозим. Жамоатчилик экспертизаси табиатан консултиватив характерга эга бўлиб, унинг “асосий қарорлар қабул қилиш воситаси” деб тавсифлаш қисман муболағали бўлиши мумкин, чунки яқуний қарорни қабул қилиш ҳуқуқи барибир ваколатли давлат органлари зиммасида қолади.

Америкалик мутахассис Ричард Стюарт жамоатчилик экспертизасининг мақсадлари ҳақида қуйидагиларни таъкидлайди: “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда жамоатчиликнинг иштироки учта асосий функцияни бажаради: **биринчидан**, у идораларни улар акс ҳолда эга бўлмаган маълумот ва истиқболлар билан таъминлайди; **иккинчидан**, у тор манфаатлар томонидан идораларнинг “босиб олиниши”ни назорат қилиб туради; ва **учинчидан**, у маъмурий бошқарувнинг демократик қонунийлигини оширади” [7, Б. 1678]. Ричард Стюартнинг учта функцияга бўлган тақсимоли илмий жиҳатдан асосли бўлса-да, амалий жиҳатдан қўшимча функцияларни ҳам эътиборга олишни тақозо этади. Жумладан, жамоатчилик экспертизаси давлат органлари ишончини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, норматив ҳужжатларни ижро этиш самарадорлигини ошириш каби вазифаларни ҳам бажаради. Стюартнинг фикрлари Ўзбекистон шароитига юқори даражада мос келади. Айниқса, идораларнинг тор манфаатлар томонидан “босиб олиниши”га қарши чора сифатида жамоатчилик экспертизасининг аҳамияти муҳим.

Давлатважамоатчилик ҳамкорлиги борасида Д.У. Суфиева: “Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчилик

иштирокини кенгайтириш зарур. Бу борада жамоатчилик экспертизаси институтини янада ривожлантириш муҳим” [8, Б. 15-20]лигини қайд этган. Ш.Бурханованинг фикрича қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда жамоатчилик экспертизасини ўтказиш механизмларини такомиллаштириш лозим. Бунда “норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасини ташкил қилишда ахборот технологияларини қўллаш” алоҳида аҳамият касб этади [9, Б. 753]. Бизнингча, жамоатчилик экспертизасининг самарадорлигини таъминлаш учун нафақат механизмларни такомиллаштириш, балки экспертлар малакасини ошириш, маълумотларнинг очиқлиги ва тўлиқлигини кафолатлаш, давлатнинг ваколатли органлари зиммасига экспертиза натижаларини ҳисобга олиш мажбуриятини белгилаш каби масалаларни ҳам ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаролик жамиятининг қонун ижодкорлигидаги иштироки ҳақида фикр билдирад экан G.D'Alisa ва G.Kallis “Замонавий фуқаролик жамияти қонун лойиҳаларини тайёрлаш, муҳокама қилиш ва экспертизадан ўтказишда фаол иштирок этмоқда. Бу эса қонунларнинг сифатини оширишга ва жамият манфаатларини тўлиқроқ ақс эттиришга хизмат қилади” [10, Б. 106], деб қайд этган. G.D'Alisa ва G.Kallis томонидан таъкидланган фуқаролик жамиятининг фаоллиги муҳим омил бўлса-да, бизнингча бу фаолликнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва институционал кафолатлари яратилмас экан етарлича самара бермаслиги мумкин.

Юқоридаги олимларнинг фикрлари жамоатчилик назорати ва экспертизаси соҳасини такомиллаштиришнинг муҳим жиҳатларини очиб беради. Улар таъкидлаганидек: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар экспертизасида нафақат матн, балки тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни ҳам ўрганиш керак; лойиҳаларни кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйиш ва мустақил экспертизадан ўтказиш механизмларини такомиллаштириш зарур; жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ тартиби ва босқичларини белгилаб берувчи ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш лозим.

Энди бевосита жамоатчилик экспертизаси ва уни ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари бўйича АҚШ, Европа Иттифоқи, Жанубий Корея ва Япония тажрибаси ва бу тажрибанинг Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятларига тўхталиб ўтсак.

АҚШда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича жамоатчилик экспертизаси “**Notice and Comment**” (Хабардор қилиш ва фикр-мулоҳаза) тизими [11] орқали амалга оширилади.

Гарвард университетининг ҳуқуқ профессори Кэсс Санстейн бу тизим ҳақида шундай фикр билдиради: “Америка “хабардор қилиш ва фикр билдириш” жараёни ўтган асрда демократик бошқарувдаги энг муҳим инновациялардан бирини ифодалайди. У Америка маъмурий давлатига хос бўлган тарзда технократик экспертиза ва демократик масъулиятни бирлаштиради. Мукамал бўлмаса-да, бу тизим миллионлаб америкаликлар тартибга солиш жараёнида ўз овозларини эшиттира оладиган мушоҳадали демократиянинг ноёб шаклини яратди.” [12, Б. 1607]

Санстейннинг АҚШ тажрибаси ҳақидаги фикрлари Ўзбекистон учун жуда қимматли, бироқ АҚШ моделини тўлиқ кўчириб олиш мақсадга мувофиқ эмас. АҚШдаги “Notice and Comment” тизими узоқ демократик анъаналар натижасида шакланган бўлиб, Ўзбекистон шароитида унинг айрим элементларини, хусусан, технократик экспертиза ва демократик масъулиятни уйғунлаштиришга қаратилган механизмларни жорий этиш мақсадга мувофиқ саналади.

Яна бир таниқли америкалик ҳуқуқшунос олим Эрнест Геллхорн эса АҚШдаги “Regulations.gov” [13] платформасининг аҳамияти ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради:

“Жамоатчилик фикрини билдириш учун марказлаштирилган портал сифатида “Regulations.gov” ривожланиши қонун ижодкорлиги жараёнига жамоатчилик киришини инқилобий ўзгартирди. Иштирок этиш учун технологик тўсиқлар сақланиб қолса ҳам, бу платформа фуқароларнинг тартибга солиш сиёсати билан ўзаро алоқаси учун транзакция харажатларини сезиларли даражада камайтирди ва хилма-хил ва репрезентатив жамоатчилик фикрини билдириш учун имкониятлар яратди.” [14, Б. 372].

Ҳозирда Ўзбекистонда “regulation.gov.uz” портали фаолият кўрсатмоқда, аммо бу платформа фуқаролар ўртасида етарлича оммалашмаган ва уни такомиллаштириш, шаффофлигини ошириш зарур. Геллхорннинг фикр-мулоҳазаларнинг сони эмас, балки сифати муҳимлиги ҳақидаги фикри Ўзбекистон учун ҳам долзарбдир. Ушбу миллий платформа таҳлили шуни кўрсатадики, айнан жамоатчилик экспертизаси масаласи мамлакатимизда ушбу соҳада ривожлантиришга муҳтож йўналиш саналади.

Германиялик етакчи маъмурий ҳуқуқ мутахассиси Вольфганг Хоффманн-Рим Европа Иттифоқидаги жамоатчилик экспертизаси механизмларининг ривожланиш тенденциялари ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради: “Европа жамоатчилик маслаҳатлашуви ёндашуви бир нечта хусусиятлар билан ажралиб туради. Биринчидан, маслаҳатлашув лойиҳалаш босқичидаги бир марталик акт сифатида эмас, балки бутун сиёсий цикл давомида содир бўладиган жараён сифатида тушунилади. Иккинчидан, кенгроқ ва чуқурроқ иштирокка эришиш учун фуқаролар панеллари, мушоҳадали сўровлар ва онлайн мулоқот платформалари каби инновацион усуллар тобора кўпроқ қўлланилмоқда. Учинчидан, эксперт билими ва фуқаролар иштироки интеграцияси содир бўлади, бунда илмий экспертиза ва жамоатчилик фикри қарама-қарши эмас, балки яхши тартибга солишнинг бир-бирини тўлдирувчи элементлари сифатида кўрилади.” [15, Б. 215]

Ушбу олимнинг маслаҳатлашувни бутун сиёсий цикл давомида давом этадиган жараён сифатида тушуниш ва илмий экспертиза билан жамоатчилик фикрини уйғунлаштириш тамойиллари Ўзбекистон учун жуда мос. Бироқ, фуқаролар панеллари ва мушоҳадали сўровлар каби инновацион усуллар Ўзбекистон шароитида қўлланилиши учун жамиятнинг сиёсий етуклик даражаси ва фуқаролик онги юқори бўлиши талаб этилади.

Жанубий Кореяда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича жамоатчилик экспертизаси тизими сўнгги йилларда жадал ривожланди. Бу борада Сеул Миллий университетининг профессори Ким Жи-Хун қуйидаги фикрларни билдиради: “Жанубий Кореянинг тартибга солиш бошқаруви ўтмишдаги юқоридан пастга ёндашувдан ҳамкорлик ва иштирокчи моделига эволюция қилди. “Тартибга солишни ислоҳ қилиш қўмитаси” [16] (“Regulatory Reform Committee”) каби институционал инновациялар фуқаролик жамияти, бизнес, академик доиралар ва ҳукумат ўртасида доимий мулоқотни яратди.” [17, Б. 178]. Бу модель асосида Ўзбекистонда ҳам хусусий сектор вакиллари, академик доиралар, фуқаролик жамияти ва ҳукумат вакиллари билан иборат тартибга солиш сифатини назорат қилувчи қўмита тузиш мумкин. Бу орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш мумкин.

Японияда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича жамоатчилик экспертизаси 1990 йиллардан бошлаб жадал ривожлана бошлади. Токио университетининг профессори Шинджи Ямашита бу ҳақда қуйидаги фикрларни билдиради: “Японияда 1990 йилларнинг охиридан бошланган маъмурий ислохотлар, айниқса 1999 йилдаги Маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонуннинг ўзгартирилиши ва 2005 йилда “Тартибга солишни олдиндан баҳолаш” (Regulatory Impact Assessment) тизимининг жорий этилиши билан расмий ва шаффоф

фуқаролик иштироки механизми институционаллаштирилди. Бу ўзгариш Япония сиёсатини шакллантириш жараёнидаги “ёпиқлик”ни бузиб, очикроқ бошқарувга ўтишни кўрсатади.” [18, Б. 112-113]. Ушбу тажриба асосида Ўзбекистонда ҳам қонунчиликни миллий кадрларга асосланган ҳолда такомиллаштириш мумкин.

Келтирилган халқаро тажрибалар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда жамоатчилик экспертизасини самарали ташкил этиш учун босқичма-босқич ёндашув қўллаш мақсадга мувофиқ. **Биринчи** навбатда, мавжуд “regulation.gov.uz” платформасини АҚШнинг “Regulations.gov” тажрибаси асосида такомиллаштириш, унинг фойдаланувчи интерфейсини содаллаштириш ва фуқаролар ўртасида кенг тарғиб қилиш зарур. **Иккинчидан**, Жанубий Корея моделига асосланиб, давлат органлари, хусусий сектор, академик доиралар ва фуқаролик жамияти вакилларида иборат жамоатчилик асосида дастурий қўмиталар тузиш орқали экспертизани институционаллаштириш лозим. **Учинчидан**, Европа Иттифоқи тажрибасини назарда тутиб, жамоатчилик экспертизасини норматив ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишдан тортиб, уни қабул қилиш ва ижро этишгача бўлган бутун жараён давомида давом этувчи фаолият сифатида ташкил этиш керак. Ниҳоят, Япония тажрибасига кўра, норматив ҳужжатларнинг олдиндан таъсир баҳолаш (RIA) тизимини жорий этиш билан жамоатчилик экспертизасининг сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиши мумкин.

Мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни жамоатчилик экспертизасининг қонунчилик асослари Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади. Ушбу қонун жамоатчилик назоратининг турли шакллари, шу жумладан жамоатчилик экспертизасини ҳам белгилаб берган. Қонуннинг 6-моддасида жамоатчилик назоратининг шакллари сифатида саккизта асосий механизм кўрсатилган, улардан бири жамоатчилик экспертизаси ҳисобланади.

Қонун жамоатчилик экспертизасини жамоатчилик назоратининг алоҳида ва муҳим шакли сифатида тан олади. Бу эса давлат органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг фуқаролик жамияти институтлари томонидан назорат қилиниши механизмини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Қонуннинг 12-моддасида жамоатчилик экспертизасига таъриф берилган. Унга кўра: жамоатчилик экспертизаси - норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига мувофиқлигини аниқлаш учун ўрганиш ҳамда баҳолашдан иборат фаолиятдир.

Бу таърифдан кўринадики, жамоатчилик экспертизаси икки асосий компонентни ўз ичига олади: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ўрганиш ва уларни баҳолаш. Бунда экспертизанинг асосий мезони - фуқаролар, юридик шахслар ва умуман жамият манфаатларига мувофиқликдир.

Қонуннинг 12-моддасининг иккинчи қисмида экспертизани ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар санаб ўтилган: нодавлат ноtijорат ташкилотлари; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари; оммавий ахборот воситалари.

Муҳими шундаки, қонун бу субъектларнинг экспертиза ўтказиш ҳуқуқини “қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда” деб чеклайди. Яъни, ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси эмас, балки қонунчиликда алоҳида белгиланган ҳужжатлар лойиҳаларига жамоатчилик экспертизасидан ўтказилиши мумкин. Шунингдек, жамоатчилик экспертизасининг амалий самарадорлигини таъминлаш мақсадида, қонуннинг 12-моддаси учинчи қисмида муҳим механизм кўзда тутилган. Унга кўра, жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчилари:

тегишли соҳада зарур билим ва тажрибага эга мутахассисларни; жамоатчилик асосида (яъни кўнгиллилик асосида) жалб қилиш ҳуқуқига эга. Бу қоида экспертизани ўтказиш жараёнининг профессионал даражада бўлишини таъминлашга қаратилган.

Юқоридаги нормалар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунида жамоатчилик экспертизаси билан боғлиқ қоидалар мавжуд бўлса-да, бу механизмнинг амалий жиҳатдан самарали ишлаши учун бир қатор муҳим жиҳатлар етарлича тартибга солинмаган. Қонуннинг 6 ва 12-моддалари таҳлили шуни кўрсатадики, жамоатчилик экспертизаси институти янада такомиллаштиришни талаб этувчи бир қатор муаммоли жиҳатларга эга.

**Биринчидан**, қонунда жамоатчилик экспертизасини ўтказиш тартиби, муддатлари ва шакли билан боғлиқ аниқ процедуралар белгиланмаган. Мазкур қонун умумий равишда экспертизанинг моҳияти ва субъектларини белгилаб берса-да, уни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнлари билан боғлиқ процессуал қоидаларни ўз ичига олмайди. Бу эса амалиётда турлича талқин қилинишларга ва жамоатчилик экспертизасини тўлақонли ўтказиш имкониятини чекловчи ҳолатларга олиб келиши мумкин.

**Иккинчидан**, қонунда давлат органларининг жамоатчилик экспертизаси натижаларига муносабати, уларни кўриб чиқиш ва ҳисобга олиш мажбурияти тўғрисида аниқ қоидалар мавжуд эмас. Экспертиза натижаларининг қанчалик мажбурий кучга эга эканлиги, давлат органлари томонидан уларни кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби, инкор этилган ҳолларда асослантириш талаблари каби муҳим масалалар қонунда ўз аксини топмаган. Бу эса жамоатчилик экспертизаси натижаларини ҳақиқатда ҳам инобатга олиниши механизмини заифлаштиради.

**Учинчидан**, қонуннинг 12-моддасида жамоатчилик экспертизаси “қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда” ўтказилиши мумкинлиги қайд этилган. Бу чеклов жамоатчилик назорати институтларининг аксарият норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш имкониятини сезиларли даражада чеклаб қўйиши мумкин. Агар махсус қонунчиликда бундай ҳоллар тор доирада белгиланса, жамоатчилик экспертизаси механизми самарали ишламаслиги эҳтимоли юқори бўлади.

**Тўртинчидан**, жамоатчилик асосида мутахассисларни жалб қилиш механизми, уларнинг мақоми ва ваколатлари аниқ белгиланмаган. Қонунда экспертиза ташкилотчиларининг мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқи мавжудлиги қайд этилган бўлса-да, бу мутахассисларнинг ҳуқуқий мақоми, уларга қўйиладиган талаблар, ваколатлари ва мажбуриятлари, шунингдек, уларнинг ишини ташкил этиш масалалари тартибга солинмаган.

**Бешинчидан**, жамоатчилик экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш масаласи қонунда кўриб чиқилмаган. Бундай экспертиза баъзан сезиларли молиявий ресурсларни, айниқса мураккаб техник ёки ижтимоий аҳамиятга эга ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқиладиганда талаб қилиши мумкин. Экспертизани молиялаштириш манбалари, жалб қилинган мутахассисларга тўланадиган ҳақ масалалари қонунда ўз ечимини топмаган, бу эса иқтисодий имконияти чекланган нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказиш имкониятларини чеклаб қўяди.

Махсус қонундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 57-сон қарорининг 2-бандида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича жамоатчилик муҳокамаси ва экспертизасини ўтказиш механизмлари белгиланган бўлиб, бу механизмлар фуқаролик жамияти институтларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини таъминлашни белгилаб берган [19]. Лекин, ушбу қарор умумий маълумотлардан иборат



бўлиб, жамоатчилик экспертизасининг юқоридаги қонун нормаси билан очиб берилмаган масалалари ва механизмларини тартибга солишга қаратилмаган.

**Тадқиқотчиларнинг фикрлари ва халқаро тажриба асосида қуйидаги илмий-назарий хулоса ва қонунчиликка таклифларни илгари суриш мумкин.**

1. Бизнингча, жамоатчилик экспертизаси деганда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик томонидан баҳолаш, таҳлил қилиш ва такомиллаштириш жараёни тушунилади. Ўзбекистонда жамоатчилик экспертизасининг концептуал моделини ишлаб чиқиш зарур. Бугунги кунда Ўзбекистон шароитида қўлланиладиган ягона жамоатчилик экспертизаси концептуал модели яратилмаган. Бу модель экспертизанинг фундаментал тамойиллари, босқичлари, субъектлари ва объектларини аниқ белгилаб бериши лозим.

2. Жамоатчилик экспертизасини баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш таклиф қилинади. Экспертизанинг самарадорлигини баҳолаш учун миқдорий ва сифат кўрсаткичларини ўз ичига олган методологияни яратиш, уни илмий жиҳатдан асослаш мақсадга мувофиқ. Бу орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг “сифат аудити”ни амалга ошириш имконияти яратилади.

3. Жамоатчилик экспертизаси натижаларининг ижросини таъминлаш назариясини ривожлантириш. Экспертиза хулосаларини рўёбга чиқариш механизмлари, уларнинг мониторингини амалга ошириш ва бу жараённинг назарий жиҳатларини ишлаб чиқиш керак. Бу таклифлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини назорат қилиш, жамоатчилик мониторингининг самарали моделларини яратишга хизмат қилади.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунга тўлдириш сифатида 31<sup>1</sup>-модда сифатида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш мажбурий бўлган ҳолатлар рўйхатини кенгайтириш, экспертиза хулосаларининг ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш мақсадга мувофиқ.

5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича жамоатчилик экспертизаси самарадорлигини ошириш учун, биринчи навбатда, жамоатчилик экспертизасини ўтказиш тартибини аниқ белгиловчи қоидаларни ишлаб чиқиш зарур. **Вазирлар Маҳкамасининг “Жамоатчилик экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги қарорини** қабул қилиш таклиф қилинади. Бу қарорда экспертизани ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ процессуал масалалар, экспертлар билан ишлаш тартиби, экспертиза хулосаларини расмийлаштириш ва уларни давлат органларига тақдим этиш механизмлари батафсил белгиланиши керак.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун 12-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги тахрирда баён қилиш таклиф қилинади: “Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича жамоатчилик экспертизаси ташкил этилиши шарт. Жамоатчилик экспертизасини фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, илмий муассасалар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ўтказиши мумкин. Жамоатчилик экспертизасини ўтказиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.”

Юқоридаги илмий-назарий ва қонунчиликка доир таклифлар Ўзбекистонда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича жамоатчилик экспертизаси механизмларини такомиллаштиришга, бу соҳада халқаро илғор тажрибани жорий этишга ва пировард натижада қонунлар сифатини оширишга хизмат қилади.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. OECD. (2021). Public Participation in Lawmaking: Best Practices and Recommendations. <https://www.oecd.org/governance/public-participation-lawmaking-2021.pdf>
2. European Commission for Democracy through Law (Venice Commission). (2020). Rule of Law Checklist. [https://www.venice.coe.int/webforms/documents/default.aspx?pdffile=CDL-AD\(2016\)007-e](https://www.venice.coe.int/webforms/documents/default.aspx?pdffile=CDL-AD(2016)007-e)
3. Ўзбекистон Республикаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни жамоатчилик муҳокамаси портали // <https://regulation.gov.uz/uz/statistics>
4. e-Estonia. (2023). Digital Democracy: The Estonian Model. <https://eeloud.valitsus.ee/main#H1MfdF5H>
5. Korea e-Government. (2022). E-People: Korea's Digital Platform for Civic Participation. <https://www.epeople.go.kr/index.jsp>
6. Корепина А.В. Понятие экспертизы в сфере государственного управления // Proceedings of Voronezh State University. Series: Law. 2023. № 3 (54). С. 147-154
7. Stewart, R. B. (2019). «Administrative Law in the Twenty-First Century» Harvard Law Review, 132(5), pp. 1678-1679.
8. Суфиева Д.У. Конституционные гарантии гендерного равенства на примере нормотворческой деятельности Узбекистана и Казахстана // Юрист ахборотномаси. 2023. №6. С.15-20
9. Burkhanova S.J. Priority of Law – the Main Criterion in Building the Rule of Law // Excellencia: International Multi-disciplinary Journal of Education. - 2024. - Volume 02, Issue 05. - P. 753.
10. D'Alisa G., Kallis G. Degrowth and the state // Ecological Economics. 2020. Vol. 169. P. 106486
11. The Administrative Conference of the United States (ACUS) // <https://www.acus.gov/sites/default/files/documents/IIB014-Rulemaking.pdf>
12. Sunstein, C. R. (2018). «The Most Knowledgeable Branch.» University of Pennsylvania Law Review, 166(7), pp. 1607-1608.
13. The General Services Administration (GSA) U.S. // <https://www.regulations.gov/>
14. Gellhorn, E. & Byse, C. (2021). «Administrative Law: Cases and Comments.» Foundation Press, New York, 12th Edition, pp. 372-373.
15. Hoffmann-Riem, W. (2017). «Innovation und Recht: Recht und Innovation.» Mohr Siebeck, Tübingen, S. 215-216.
16. The JC&A Global Team // <https://regulatoryreform.com/wp-content/uploads/2014/11/removeadminbarriers.pdf>
17. 김지훈 [Ким Джи-Хун]. (2019). «한국의 규제 거버넌스 혁신: 시민 참여와 투명성의 제도화 [Жанубий Кореянинг тартибга солиш бошқаруви инновацияси: фуқаролик иштироки ва шаффофликни институционаллаштириш].» 행정법연구 [Маъмурий ҳуқуқ тадқиқотлари], 60(2), 178-179쪽.
18. 山下真司 [Ямашита Шинджи]. (2016). «日本における規制政策と市民参加: 制度改革の成果と課題 (Япониядаги тартибга солиш сиёсати ва фуқаролар иштироки: институционал ислохотларнинг натижалари ва муаммолари).» 行政法研究 [Маъмурий ҳуқуқ тадқиқотлари], 28(1), pp. 112-113.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2013 йил 12 декабрдаги ПҚ-2085-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 2014 йил 10 мартдаги 57-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - 2014. - №11. - 126-модда.

**YURIST AXBOROTNOMASI**

4-SON, 6-JILD

**ВЕСТИК ЮРИСТА**

НОМЕР 4, ВЫПУСК 6

**LAWYER HERALD**

VOLUME 6, ISSUE 4

**ISSN 2181-9416**

**DOI JURNAL: 10.26739/2181-9416**